



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «15» июнь

VI-28-14-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Давлат хизматлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан 2021 йилнинг беш ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 29 майдаги СҚ-314-IV-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат хизматлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармасининг 2021 йилнинг беш ойи давомида бошқарма ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Давлат хизматлари агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан 2021 йилнинг беш ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида бошқармаси бошлиғи А.Рахмоновнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) вилоятдаги барча давлат ва нодавлат тиббиёт муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 10 ноябрдаги 704-сон қарорининг ижроси таъминланишини назоратга олиб, ижроси юзасидан ўн кунлик муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот берсин.

3. Мактабгача таълим бошқармаси (З.Тўлаганов) давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари ортиқча ҳужжатлар ва маълумотномалар талаб қилиш ҳолатларини (Қумкўрғон, Жаркўрғон ва Ангор туманидаги ДМТТлар) назоратга олсин ва қуйи турувчи ташкилотларда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти юзасидан семинар машғулотлари ўтказиб, ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш вазифаси юклатилсин ва натижаси бўйича бир ой муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин.

4. “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ ва унинг туман (шаҳар) бўлимларида ДХМ ҳамда ЯИДХПдан келиб тушган мурожаатлар билан ишловчи ходимлар қўнимсизлиги ва компьютер, оргтехника воситалари билан таъминланмаганлиги оқибатида давлат хизматларини кўрсатишда муддатлар асоссиз бузилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ томонидан бир ойлик муддат ичида соҳани ривожлантириш ва компьютер, оргтехника воситалари билан таъминласин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёкубов) зиммасига юклансин.

6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.